

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КУБАЕВ АЗИЗ САЙДАЛИМОВИЧ**

**ЮЗНИНГ ЎРТА ЗОНАСИДА МОРФОФУНКЦИОНАЛ ВА ЭСТЕТИК  
ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЮҚОРИ  
МИКРОГНАТИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Кубаев Азиз Сайдалимович**

Юзнинг ўрта зонасида морфофункционал ва эстетик ўзгаришларни  
ҳисобга олган ҳолда юқори микрогнатияни ташхислаш ва даволашни  
такомиллаштириш ..... 3

**Кубаев Азиз Сайдалимович**

Совершенствование диагностики и лечения верхней микрогнатии с  
учетом морфофункциональных и эстетических изменений средней  
зоны лица ..... 25

**Kubaev Aziz Saidalimovich**

Perfection of the diagnosis and treatment of upper micrognathia taking into  
account morphofunctional and aesthetic changes in the middle zone of the  
face ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**КУБАЕВ АЗИЗ САЙДАЛИМОВИЧ**

**ЮЗНИНГ ЎРТА ЗОНАСИДА МОРФОФУНКЦИОНАЛ ВА ЭСТЕТИК  
ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЮҚОРИ  
МИКРОГНАТИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.21 – Стоматология**

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Фан доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1240 рақами билан рўйхат олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tsdj.uz](http://www.tsdj.uz)) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ризаев Жасур Алимджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Jun-Young PAENG**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор (Жанубий Корея)

**Дусмухамедов Махмуджон Закирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

**Tokai Central Hospital (Япония)**

Диссертация химояси Тошкент давлат стоматология институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Н.К. Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси тиббиёт фанлари доктори

**Л.Э. Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**О.Е. Бекжанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Махаллий ва хорижий муаллифларнинг маълумотлари бўйича, «шаклланган тишловда аномалиялар частотаси 35-40%ни, катталарда кузатиладиган юқори жағ деформациялари эса 65%ни ташкил қилади...»<sup>1</sup>. Уларга кўпинча пастки макрогнатия билан бирга кечадиган юқори микрогнатия киради ва у одатда турли текисликлардаги тишловнинг бузилиши ва юзнинг эстетик камчиликлари билан кузатилади. Бундан ташқари, айрим беморларда юқори жағ катталигининг ўзгариши бурундан нафас олишга қийналиш, сурункали ринит, бурун олди синусларнинг яллиғланиши ва бурун- ва оғиз-халқумнинг бошқа патологик ўзгаришлари билан кечади. Ҳозирги кунда ушбу тоифадаги беморларни реабилитацияси мутахассисликлараро олиб борилади, унда асосий ўрин юз-жағ жарроҳига ажратилади. Юқори жағ деформацияларини жарроҳлик йўли билан коррекция қилиш учун фрагментларни тўғри тишлов ҳолатига жойлаштириш кўзда тутиладиган юқори жағнинг тотал ва фрагментал остеотомиянинг турли усуллари кенг қўлланилади.

Сўнгги йиллардаги жаҳон статистикаси шуни кўрсатадики, турли хил генездаги юз-жағ аномалиялари бўлган беморлар сонининг ортиш тенденцияси мавжуд. Бу тоифа беморларига жарроҳлик ёрдам самарадорлигини ошишига бундай нуқсонлар этиологиясини ўрганиш, харроҳлик стоматологияси ва юз-жағ жарроҳлигидаги сўнгги ютуқларни қўллаган ҳолда даволаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ёрдам беради. Охирги йилларда эрта жарроҳлик ёрдамини кўрсатиш концепциясига катта эътибор қаратилаётганлиги сабабли, скелет суяклари нуқсонлари ва деформацияларини бартараф қилишнинг энг тез ва кам жароҳатли усуллари топиш бўйича изланишлар, жарроҳларга ўз арсеналларини компрессион-дистракцион остеосинтез усули билан тўлдириш имконини берди.

Республикамизда бугунги кунда мазкур тоифадаги беморларни ташхислаш ва даволаш масалалари жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, кундалик клиник амалиётда беморларни жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари кенг жорий этилган ва қўлланилмоқда. Ушбу беморларга ортогнатик ва реконструктив операциялари, ортодонтик даволаш, косметик аралашувлар ўтказилади, лекин атрофидаги тузилмаларнинг ёндош функционал ва эстетик ўзгаришларига, шунингдек, уларнинг ҳаёт сифатини (ҲС) баҳолашга кам эътибор қаратилмоқда. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш

---

<sup>1</sup> С.А. Наумович. osobennosti-lecheniya-anomaliy-i-deformatsiy-zubochelyustnoy-sistemy-v-sformirovannom-prikuse.pdf

тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш... »<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар ташхислашга тизимли комплекс ёндашувни, тиш жағ-юз комплексини морфофункционал бутунлигини тиклашга ва турғун натижага қаратилган жарроҳлик даволаш усулини истиқболли режалаштириш ва беморнинг ҳаёт сифатини лозим бўлган даражада таъминлаш имкони яратилади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3071-сонли қарори, 2017 йил 29 декабрдаги «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-3440-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Юқори микрогнатия юз скелетининг энг кўп тарқалган дисгармонияси бўлиб, юзнинг ўрта соҳаси деформацияларини умумий сонининг 50% гача ташкил этади. Юқори ретромикрогнатиясининг клиник-рентгенологик кечишининг энг тўлиқ таърифи В.М.Безруков (1981) ишларида келтирилган. У томонидан қўлланилган юқори микрогнатия атамаси ЖССТ томонидан тасдиқланган ҳамда краниофациал комплекснинг барча эстетик ва морфофункционал ўзгаришларини акс этади. Юқори микрогнатия билан оғриган беморларда муаллифнинг сўзларига кўра, юқори жағнинг олдинги қисмининг торайиши бурун тўсиғигача олиб келиши мумкин. Муаллифнинг фикрига кўра, юқори микрогнатияли беморларда юқори жағнинг олд соҳасини торайиши кузатилади, бу эса бурундан нафас олиш қийинчиликларига олиб келади. Бундай ўзгаришларнинг сабаби юқори микрогнатияли беморларнинг бурун бўшлиғи тузилишининг хусусиятларига боғлиқдир. Бурун бўшлиғи ҳолатини чуқур ўрганиш ва оптимал жарроҳлик усулини ишлаб чиқиш бундай асоратларни бартараф этади. Худди шу фикрни Guenther T.A. et al., (1984) билдиришган; клиник тадқиқотлар маълумотига кўра, юқори жағнинг паст остеотомияси уни олдинга ва юқорига жойлаштириш орқали бажарилганда ноксимон тешик хажмининг камайиши ва бурундан нафас олишнинг

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

қийинлашуви юзага келади. Шу сабабли бундай операция натижаларига беморларнинг эстетик талабларини ортиши туфайли клиницистларнинг эътибори юқори жағ деформацияли беморларда буруннинг ташқи эстетикаси ва унинг морфофункционал ҳолатини ўрганишга қаратилди. Юқори микрогнатияда ташқи бурун эстетикаси ва унинг функцияларини ўрганган В.И. Гунько, А.В. Калмиков (2002) Безруков бўйича юқори жағни тотал остеотомиясини такомиллаштиришди.

Кейинчалик, кўшма жағ деформацияли, яъни юқори микрогнатия ва пастки макрогнатияли беморларда, бурун бўшлиғининг морфофункционал ўзгаришлари турли текисликлар ва юзнинг тузилиш мансублиги билан тўғридан тўғри боғлиқликка эгаллиги исботланди. (А. Абдукадиров, 2007). Рентгенологик ва ринопневмометрик текширув усуллари шуни кўрсатдики, бурундан нафас олиш қийинчилиги ноксимон тешикнинг торайиши, пастки бурун чиғаноқларининг гиперплазияси, бурун бўшлиғи тубининг гумбазсимон шишиши ва олдинги бурун суягининг кескин ривожланиши билан асосланади. Ноксимон тешикнинг торайишини бартараф этиш ва бурундан нафас олишини тиклаш учун бурун бўшлиғини кенгайтириш билан остеотомия усули ишлаб чиқилган (В.М. Безруков, В.И. Гунько, С.Г. Ананян, А.А. Абдукадиров, 1989). Операция қилинган беморларни 5-10 йил мобайнида кузатиш натижалари катталар ёшдаги беморларнинг 70%ида усул самарадор эканлигини кўрсатди. Беморларнинг бир қисмида гайморит, бурун тўсиғининг қийшайиши, бурундан нафас олиш қийинлиги ва жағлар деформацияларининг рецидивлари кузатилган. Эҳтимол, бу ҳодисалар синусидлардан ажралмаларнинг табиий оқиб чиқишини бузилиши сабабли ҳамда ўтказилган реконструктив операцияларнинг ўта травматиклиги билан боғлиқдир. Бурун тўсиғининг перфорацияси туфайли юзнинг ўрта соҳасидаги бўшлиқлардан ажралмаларнинг табиий оқиб чиқишини бузилиши юзнинг ўрта соҳаси яллиғланишига ва келажакда деформацияларга олиб келиши мумкин.

С.Н. Максудовнинг (2005) фикрига кўра, эрта болалик ва ўсмирлик даврида замонавий компьютер технологиялари ва ЛОР мутахассислари, ортодонт ва ортогнатик жарроҳлар иштирокида ўтказилган тадқиқотлар бурун суяги бўшлиғи скелет торайиши ва унинг функциясини бузилиш механизмини очиб бериш имкониятини беради. Эрта ортодонтик коррекция ва бурундан нафас олишни яхшиловчи операцияларнинг такомиллаштирилган усуллари ўтказиш, мазкур беморларда реабилитация даврини қисқартирувчи, кам травматик реконструктив операцияларга олиб келади. Бироқ, жағ деформацияси мавжуд катта ёшдаги беморлар учун бу масала ҳанузгача ҳал қилинмаган бўлиб қолмоқда, чунки ортодонтик аппаратларнинг таъсири жағ деформацияларнинг скелет шаклини тўғриланишига олиб келмайди.

Шундай қилиб, мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, юз ўрта соҳасининг морфофункционал ва эстетик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда юқори жағ остеотомиясининг турли усуллари кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ҳамда замонавий ортогнатик хирургиянинг мураккаб

муаммоси бўлган хусусий аспектлар ёритилган операциядан кейинги профилактика чораларига бағишланган илмий ишларнинг кам ва Ўзбекистон Республикаси бўйича бундай илмий тадқиқотлар умуман ўтказилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан мослиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 012000260 “Жароҳатлар, хирургик касалликлар ва ўсмаларни профилактикаси, ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларини ишлаб чиқиш ва жарий қилиш” (2019-2023 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юзнинг ўрта соҳаси ва бутун юз скелетининг морфофункционал ва эстетик ўзгаришларини инобатга олган ҳолда юқори микрогнатияни комплекс ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юқори микрогнатияли беморларда юқори жағ комплекси ва бутун юз скелетининг морфофункционал ўзгаришларини ўрганиш;

юқори микрогнатияли беморларда бурун вентиляция функцияси ва унинг тикланиш динамикаси кўрсаткичларини ўрганиш;

юқори микрогнатияда (пастки макрогнатия билан бирга кузатилганда) юзнинг ўрта соҳасидаги морфофункционал ва эстетик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда остеотомия усулини танлаш ва уни қўллашни асослаб бериш;

юқори микрогнатияли (пастки макрогнатия билан бирга кузатилганда) беморларда ортогнатик даволашнинг турли босқичларида юз ва ташқи буруннинг эстетик ўзгаришларини, шунингдек буруннинг вентиляция функцияси кўрсаткичларини баҳолаш;

морфофункционал, эстетик ўзгаришларни инобатга олган ҳолда диагностик, даволаш-профилактик чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институтининг хирургик стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги клиник базаларига мурожаат қилган юқори микрогнатияли (пастки микрогнатия билан бирга) 67 нафар катта ёшдаги беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида юқори микрогнатияли (пастки макрогнатия билан биргаликда) беморларнинг фотосуратлари, нур усулли тадқиқотлар натижалари, жағлар моделлари ва ринспирометрия маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқод вазифаларини амалга оширишда клиник, антропометрик, рентгенологик, МСКТ, риноспирометрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланган ва жағлар моделлари биометрик ўрганилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўрта типдаги юз тузилишдаги беморларда юқори жағ комплексининг ўзгаришлари асосан саггитал текисликда бурун бўшлиғи ва ҳалқум



торайишисиз кечиши белгиланган;

узайган-ботиқ типдаги юз тузилишли беморларда юқори жағ комплексининг ўзгаришлари сагиттал ва трансверзал текисликларда торайиши ҳамда бурун бўшлиғининг нисбатан торайиши ва юзнинг пастки соҳасини вертикал бўйича узайиши билан намоён бўлиши исботланган;

жуда узун юз типи бўлган беморларда юқори жағ комплексининг морфофункционал ўзгаришлари сагиттал, трансверзал ва вертикал ўлчамларнинг торайиши ҳамда юзнинг ўрта ва пастки соҳаларини нопропорционал узайиши ва бурундан нафас олишнинг кескин қийинлашуви билан намоён бўлиши асослаб берилган;

риноспометрия кўрсаткичларини таҳлил этишда, бу бузилишларда нафақат респиратор ўзгаришлар ва бурун бўшлиғининг аҳамияти аниқланган, балки бурундан нафас олишнинг тикланиши ҳам объектив баҳоланган;

юқори жағ комплекси ва бутун юз скелети деформацияларининг намоён бўлишини инобатга олган ҳолда, муқобил эстетик функционал натижаларга эришиш имкониятини берувчи, жағлар остеотомиясининг танланган ва модифицирланган усуллари кўллашни аҳамияти исботланган.

**Тадқиқотларнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

юқори микрогнатиянинг морфофункционал ва эстетик хусусиятлари аниқланган ва ўрганилган;

клиник амалиётда ишлаб чиқилган юқори микрогнатияни комплекс диагностика усулини кўллаш, аниқ ташхис қўйиш, тегишли мутахассислар иштирокида ҳар бир алоҳида ҳолатда оптимал даволаш вариантларини танлаш имконини бериши исботланган;

юқори микрогнатияли беморларда жағларни сагиттал текислик бўйича мос келмаслиги ва бурундан нафас олиш бузилмаган ҳолатларда анъанавий Ле-Фор-1 юқори жағ остеотомиясини ўтказиш асослаб берилган;

ёноқ ва параназал суяклар яхши ифодаланмаган ҳолатларда Ле-Фор-1 ва 2 сатҳидан Безруков бўйича юқори жағ комплексининг остеотомиясини ўтказиш асослаб берилган;

юқори микрогнатияда бурун ва ҳалқум бўшлиқларининг олд қисмини қисман торайганида олд бурун суяги резекцияси ва бурун тубини олд соҳасини кенгайтириш йўли билан юқори жағ остеотомиясини ўтказиш асослаб берилган;

юқори микрогнатия пастки макрогнатия билан бирга кузатилган барча ҳолатларда жағларнинг бимаксилляр остеотомиясини ўтказиш лозимлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган замонавий, бир-бирини тўлдирувчи текшириш усуллари услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, клиник, антропометрик, рентгенологик, статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек даволаш натижалари ҳалқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хорижда олиб борилган нуфузли тадқиқот натижалари билан ҳамоҳанглиги ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, юқори микрогнатияли беморларда юқори жағ комплекси ва юз скелетини цефалографик ўрганиш ва тегишли мутахассислар иштирокида диагностик комплекс схемаларни яратиш юз-жағ соҳасининг ўзига хос эстетик, морфо-функционал ва бошқа патологияларини аниқлаш имкони билан изоҳланади. Ортогнатик операциялар учун ишлаб чиқилган кўрсатмалар схемаси юзнинг турли тузилиш типларида юқори микрогнатияли беморларнинг юқори жағ комплекси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жарроҳлик коррекциясининг адекват усулларини танлаш имконини беради.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, операцияларнинг модификацияланган вариантлари бурун ва юз ўрта зонасининг аниқ бўлмаган рельефида яхши эстетикани яратади, гаймор бўшлиқларидан экссудатнинг яхши чиқишини таъминлайди, ўрта чизик бўйлаб бурун тусиғини ва бурундан нафас олишни тиклайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Юқори жағ комплекси ва юзнинг бутун скелетини клиник-рентгенологик маълумотларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш алгоритми асосида:

“Юқори микрогнатияли беморларда бурундан нафас олишни тикланишини баҳолашда риноспирографиянинг диагностик имкониятлари” услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8н-р/155-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий кўрсатма юқори микрогнатияли беморларда бурундан нафас олишни бузилишини аниқлаш мақсадида спирографиянинг модификацияланган усулини – риноспинографияни қўллаш имконини берган;

“Юқори ретромикрогнатияни хирургик даволашни операция олди режалаштириш” услубий кўрсатма тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8н-р/156-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма антропометрия, фотометрия, кефалометрия, 3Д моделлаш, анатомик элементларни ўлчаш каби замонавий текшириш усулларини операция мобайнида қўллаш имконини берган, бу ўз навбатида беморларни даволаш натижаларини яхшиланишига олиб келган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётида, жумладан, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институти хирургик стоматология кафедраларининг ўқув жараёнига, 7-шаҳар клиник касалхонаси ва Самарқанд шаҳри шаҳар тиббиёт бирлашмасининг юз-жағ жарроҳлиги бўлимининг амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 8н-д/90-сонли маълумотномаси). Олинган натижаларни клиник амалиётга жорий қилиниши юқори микрогнатияли беморларда яқин ва узоқ операциядан кейинги даврларда асоратлар сонини камайтириш, беморларни стационарда даволаниш муддатларини қисқартириш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 илмий- амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 20 илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация тадқиқоти замонавий ортогнатик жарроҳликнинг долзарб муаммосини ҳал этишга, хусусан, пастки макрогнатия билан бирга учрайдиган юқори микрогнатияни комплекс ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга бағишланган. **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган; тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“Юқори микрогнатиянинг этиологияси, патогенези ва клиник кўринишлари”** деб номланган диссертациясининг биринчи боби адабиётлар шарҳига бағишланган. Бу ерда хронологик тартибда юқори микрогнатиянинг этиологияси, патогенези, тарқалганлиги, клиник кўринишлари, диагностикаси ва даволаш усулларига бағишланган илмий ишлар ёритилган ва таҳлил қилинган. Етарли миқдордаги илмий манбаларни таҳлил қилиб, муаллиф уларнинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаган ҳамда ортогнатик жарроҳликнинг ушбу долзарб масаласи бўйича тадқиқотларни давом эттириш заруриятини асослайди.

Диссертациянинг иккинчи **“Тадқиқот объектлари ва материаллари, қўлланиладиган усулларнинг тавсифномаси”** деб номланган бобида юқори микрогнатияли беморларда юқори жағ комплекси ва бутун юз скелетининг энг кўп хос бўлган эстетик ва морфофункционал ўзгаришларни аниқлаш имконини берган тадқиқот усуллари ва клиник материал таърифи келдирилган.

Тадқиқот 2008 йилдан 2020 йилгача бўлган давр мобайнида Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Самарқанд давлат тиббиёт институтининг хирургик стоматология ва юз-жағ жарроҳлиги клиник базаларида олиб борилди. Юқори микрогнатияли 67 бемор комплекс текширилган ва даволанган, уларнинг 35 нафариди (52,2%) пастки макрогнатия ҳам кузатилган. Беморлар 38 нафар аёллар ва 29 нафар эркеклар, мурожаат қилган беморларнинг аксарияти 17-30 ёш оралиғида бўлиб, аёллар (56,7%) эркекларга нисбатан кўпроқ (43,2%) (1-жадв).

## Беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Ёши	эркаклар		аёллар		жами	
	абс	%	абс	%	абс	%
17-20	14	20,8	21	31,3	35	52,2
21-30	10	14,9	12	14,9	22	32,8
31-40	5	7,4	4	5,9	10	14,9
40 дан катта	-	-	1	1,5	1	1,5
жами	29	43,2	38	56,7	67	100

Барча беморлар ишлаб чиқилган схема бўйича текширилди ва турли мутахассисларнинг иштирокида комплекс даволаш ўтказилди. Кўриклар операциядан олдин ва операциялардан кейинги даврларда: 8 кун, 8 ҳафта, 6 ой ва 12 ойда ўтказилди.


Юзнинг эстетик улушларини ўрганиш Arnett/McLaughlin усули бўйича бемор бошининг табиий ҳолатида, жағларнинг марказий нисбати ва бўшашган лаблар ҳолатида олд ва ён томонларидан амалга оширилди. Бу текшириш усули фотометрик текшириш усули билан тўлдирилди. Бунинг учун олд ва ён тарафдан олинган беморларнинг суратлари умумқабул қилинган усул бўйича ўлчанди. Лекин умумқабул қилинган усулдан фарқли равишда барча ўлчашлар компьютерда янада аниқроқ бажарилиб, ҳар бир алоҳида ҳолат учун индивидуал оптимал мувозанат яратилди. Барча тадқиқотлар операциядан олдин, операциядан кейин ва кузатувнинг кечиктирилган даврларида- олти ой ва ҳар йили икки йилдан 5 йилгача муддат мобайнида амалга оширилди. Юқори микрогнатияли беморларда ёки уни пастки макрогнатия билан бирга кечиш ҳолатларида комплекс даволашнинг турли даврларида жами 8375 антропометрик ўлчовлар ўтказилди.

Рентгенологик текширув операциядан олдин ва операциядан кейинги турли даврларда ўтказилди. Кенглик ўлчамларидан қуйидаги параметрларни ўлчаш ўтказилди: бош суяги кенглиги, ёноқ суяклари соҳасида юз кенглиги, юқори жағ кенглиги, пастки жағ бурчаклари соҳасида юз кенглиги. Умумий миқдорда 3400 та телерентгенограмма (ТРГ) ва мультиспирал компьютер томография (МСКТ) ўлчовлари бажарилди. Шунингдек, юз ва тишловнинг оптимал эстетик мувозанатини 35та ТРГ ва 32та МСКТ моделлаштириш ўтказилди.

Олинган натижаларнинг статистик ишлови Стьюдент (t-тест) мезонлари ҳамда ва Microsoft Excel 2007 дастури ёрдамида шахсий компьютерда корреляцион таҳлил ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг **“Юқори микрогнатияли (пастки макрогнатия билан) беморларнинг умумий клиник-рентгенологик тавсифномаси”** деб номланган учинчи бобида клиник-рентгенологик текширувларнинг маълумотлари келтирилган. Тавсия этилган схема бўйича комплекс текшириш

натижалари шуни кўрсатдики, юз тузилиши ва тишловнинг ўхшашига қарамай, юз скелетининг эстетик ва морфофункционал кўрсаткичларига кўра юқори микрогнатияли беморлар уч гуруҳга бўлинган (1-расм).



**1-расм. Беморларни гуруҳлар ва жинси бўйича тақсимланиши**

Биринчи гуруҳ беморлари юзнинг ўрта соҳасини ичига ботиши сабабли эстетик нуқсон, прикуснинг бузилиши, овқатни тишлаш ва чайнаш қийинчиликлари шикоятлари билан қабул қилинган. Анамнезидан аниқландики, барчасида нуқсонлар наслий генезга эга бўлган.

**2-жадвал**

**Биринчи гуруҳнинг асосий шикоятлари ва клиник белгилари**

Шикоятлар	n=12 (%)
Юзнинг эстетик нуқсони	12 (100)
Тишловнинг бузилиши	12 (100)
Овқатни тишлаш ва чайнаш қийинчиликлари	11 (91,6)
Наслий генез	12 (100)
Жағ деформацияларининг биринчи белгилари намоён бўлган	5±1,0 ёшда
Деформация ва прикуснинг бузилиш сезиларли бўлган	13±1,0 ёшда
Ортодонтга даволаниш учун мурожаат қилган	11 (91,6)
Ортодонтик даво олган	7 (58,3)

Бу гуруҳ беморларида юқори микрогнатия келиб чиқишининг этиологик омили наслийликдир (2-жадвал). Руҳий саломатлик ҳолати бўйича уларда нормал эстетик ҳис бўлган ва мурожаатнинг асосий сабаби юзнинг эстетик камчиликларини бартараф этиш эди. Юқори жағ комплекси ва бутун юз скелетининг асосий эстетик ва морфофункционал ўзгаришлари фақат юқори жағнинг сагиттал ўлчамининг сезиларли даражада камайиши билан боғлиқ. Юқори жағ комплексининг бундай минимал диспропорцияси ёндош анатомик тузилмаларнинг патологик ўзгаришларисиз кечади, буни мазкур

гуруҳ беморларида комплекс ортогнатик даволашни режалаштиришда ҳисобга олиш лозим (2, 3-расмлар).



**2-расм. Юқори жағ комплексининг сагиттал ўлчамлари камайган юқори микрогнатияли бемор сурати**



**3-расм. Юқори жағ комплексининг сагиттал ўлчамлари камайган юқори микрогнатияли беморнинг ён томон телерентгенограммаси ва юз ўрта соҳаси зонограммаси сурати**

2-гуруҳдаги барча 17 нафар беморнинг асосий шикояти бу – пастки жағ даҳан соҳасини олдинга бўртиши сабабли юзнинг эстетик нуқсони. Бундан ташқари, овқатни тишлаш ва чайшаш қийинчилигини, бир қисм беморлар (7 нафар (41,1%) эса бурундан нафас олиш қийинчилигини таъкидлашган (3-жадв.).

## Иккинчи гуруҳнинг асосий шикоятлари ва клиник белгилари

Шикоятлар ва клиник белгилар	n=17 (%)
Юзнинг эстетик нуқсони	17 (100%)
Овқатни тишлаш ва чайнаш қийинчиликлари	16 (94,1%)
Бурундан нафас олиш қийинчилиги	7 (41,1%)
Наслий генез	17 (100%)
Ортодонтга даволаниш учун мурожаат қилган	17 (100%)
Даво пастки жағ ақл тишларини олиш билан кечган	7 (41,1%)
Ортодонт тавсиялари бажарилмаган ва даволашни давом эттиришдан бош тортган	11 (64,7%)
Лор операциялари билан бир қаторда рационал ортодонтик даво олган	5 (29,4%)
Бурундан нафас олишни яхшилаш бўйича операциялар ортодонт иштирокисиз ўтказилган	5 (29,4%)
Психолог маслаҳатида руҳий саломатлиги нормал ҳолатга мос бўлган	8 (47,0%)
Психолог маслаҳатида руҳий саломатлиги эстетик ҳиснинг гипертрофик шаклига мос бўлган	9 (52,9%)


Психолог ўабулида эстетик ҳис меъёрий ҳолатига (47,5%) ва гипертрофияланган шаклга (52,9%) мос бўлганлиги қайд этилган. Ташки кўриқда юзнинг ўрта соҳасини ичига ботиши ва пастки жағ даҳан соҳасини олдинга бўртиши ҳисобига юзнинг эстетик пропорциялари бузилганлиги кузатилган. Ён тарафдан юз ичкарига ботган ҳолатда, юзнинг ботиш бурчаги барча ҳолатларда 190° дан ошади, бу эса жараёнга юзнинг ўрта ва пастки соҳаларини жалб этилганидан далолат беради. Гарсон формуласи ёрдамида юзнинг типик мансублигини ҳисоблаш кўрсаткичи 92 ва ундан юқорини кўрсатмоқда, бу юз типини ботиқ-чўзинчок эканлигидан далолат беради.

Мазкур гуруҳ беморларида юқори микрогнатиянинг юзага келишини этиологик омили бўлиб наслийлик ҳисобланади ва у барча ҳолатларда пастки макрогнатия билан бирга кузатилган. Руҳий саломатлик ҳолати бўйича уларда меъёрий ва гипертрофияланган эстетик ҳис кузатилган ва мурожаатнинг асосий мотивацияси юзнинг эстетик нуқсонини бартараф этиш бўлган. Мутахассислар иштирокида рационал ортодонтик давони ўтказиш тиш қаторлари деформациясини тўғриланишига ва бурундан нафас олишни тикланишига олиб келади, лекин скелет даражасида жағлар деформациясини координал равишда тўғриланишига олиб келмайди. Юз скелетининг аниқланган эстетик ва морфофункционал ўзгаришлари сагиттал ва трансверсал текисликлар бўйича юқори жағ комплексининг торайиши ҳамда пастки жағ ўлчамларини кенгайган бурчакларининг катталашиши билан асосланади. Бундай ўзгаришлар қисман бурун йўллари торайиши ва қисман бурундан нафас олиш қийинчилигига олиб келади (4-, 5-расм).





**4-расм. Юқори жағ комплекси сагиттал ва трансверсал юзалари бўйича торайган беморнинг олд, ён тарафдан кўриниши ва тишлови суратлари.**



**5-расм. Юзнинг пастки соҳаси узайган ҳамда сагиттал ва трансверсал юзалари бўйича юқори жағ комплекси торайган беморларнинг телерентгенограммаси ва юзнинг ўрта соҳаси зонограммаси сурати**



3-гурӯҳ беморлари кўпчиликини ташкил этиб, 38 нафар эди. Уларда деформацияларни келиб чиқиши наслий эди. Асосий шикоятлари бу – юзнинг ўрта соҳасини орқага ботиши, пастки жағ даҳан соҳасини олдинга бўртиши ва юз шаклининг чўзиқлиги сабабли юзнинг эстетик нуқсони. Шунингдек, улар тишловнинг бузилиши, овқатни тишлаш ва чайнашга қийналишганига ҳам шикоят қилишган. Қолган иккита гуруҳ беморларидан фарқли равишда бу гуруҳ беморларининг барчаси бурундан нафас олишни турли даражадаги қийинчиликларига шикоят қилишган. Лекин, беморларнинг тиббий ёрдамга мурожаат қилишларининг асосий мотивацияси жағлар деформацияси туфайли юзага келган юз нуқсонини тўғрилаш бўлган (4-жадв.).

#### 4-жадвал

#### Учинчи гуруҳнинг асосий шикоятлари ва клиник белгилари

Шикоятлар ва клиник белгилар	n=38 (%)
Юзнинг эстетик нуқсони	38 (100)
Овқатни тишлаш ва чайнаш қийинчиликлари	34 (84,4)
Бурундан нафас олиш қийинчилиги	26 (68,4)
Наслий генез	38 (100)
Ортодонтга даволаниш учун мурожаат қилган	38 (100)
Бурундан нафас олиш вақтинчалик яхшилانган	31 (81,5)
Лор операциялари ортодонтик даво билан бирга ўтказилиб, оғиз бўшлиғи санацияси ва ортодонтик даво давомийлигидан келиб чиққан ҳолда тишларни режали олинishi бажарилган	7(18,4)

Ўтказилган операциялар натижасида 31 нафар беморда бурундан нафас олиш вақтинчалик тиклангани қайд этилди. ЛОР операциялари ортодонтик даво билан бирга ўтказилиб, оғиз бўшлиғи санацияси ва ортодонтик даво давомийлигидан келиб чиққан ҳолда тишларни режали олинishi бажарилган 7 нафар беморда нормал нафас олиш тикланди ва юз эстетикасини бироз яхшиланиши билан намоён бўлган тиш ёйининг кенгайиши кузатилган. Бироқ, тишловнинг ва юз эстетиканинг тўлиқ тикланиши биронта ҳам беморда қайд этилмаган. Беморлар ортодонтлар тавсияси билан ортогнатик жарроҳларга жарроҳлик усулда даволаниш учун йўлланган (6-расм).





**6-расм. Юқори жағ комплексининг торайиши ҳамда юзнинг ўрта ва паст соҳаларини непропорционал узайиши кузатилган беморнинг юзи ва МСКТ сурати, а – профиль б-МСКТ ва с-тишлов**

Мазкур гуруҳ беморлари ортодонтик статусининг таҳлили шуни кўрсатдики, беморлар томонидан даво режасига амал қилмаслик ва бу деформацияларнинг скелет табиати сабабли ортодонтик даво кўп ҳолларда самарасиз бўлди. Фақатгина ортодонт, оториноларинголог ва оғиз бўшлиғи жарроҳининг иштироки ортогнатик давони ўтказишда оптимал шароит яратиши мумкин (7-расм).



**7-расм. Учинчи гуруҳ беморларида жағлар моделини биометрик ўрганиш (%да)**

Учинчи гуруҳ беморларининг ЛОР статусни ўрганиш. Эндоскопик текширувда барча беморларда бурун бўшлиғининг олд қисмини торайиши, шиллиқ вават ва пастки бурун чиғаноқларининг гипертрофия кузатилган. Деярли барча беморларда бурун тўсиғининг «S» «F» «C» симон қийшайишлари аниқланган. Бу беморларда МСКТда гаймор бўшлиқлари яллиғланиши ва кисталарнинг мавжудлиги қайд этилган. 15 нафар беморда бодомчаларнинг катталиши ва сурункали тонзилит қайд этилган. 8 нафар

беморда танглай бодомчалари соҳасида операциядан кейинги чандиқлар кузатилган. Риноспирометрияда хаво ўтишини нормадан 65%га камайгани кузатилган, бу мазкур гуруҳ беморларида бурундан нафас олиш қийинчиликлари ҳақида далолат беради.

Тузилган схема бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, бу гуруҳ беморларида касалликни келиб чиқишининг этиологик омили бу наслийликдир ва у доимо пастки макрогнатия билан бирга кечади. Руҳий саломатлик ҳолати бўйича улар нормал ва гипертрофик ҳисга эга бўлишган ва уларнинг мурожаат қилишларининг асосий мотивацияси юзнинг эстетик деформациясини туғрилаш бўлган. Юз скелетининг аниқланган эстетик ва морфофункционал ўзгаришлари юз ўрта ва пастки соҳаларининг вертикал ўлчамларини нопрпорционал катталашуви, юқори жағ комплексини сагиттал ва трансверсал текисликлар бўйича торайиши ҳамда бурчаклари ташқарига эгилган пастки жағ ўлчамларининг катталашуви билан изоҳланади. Бундай ўзгаришлар бурун ва бурун-ҳалқум йўллариининг сезиларли торайишига, бу эса бурундан нафас олишнинг кескин қийинчилигига олиб келади.

Шундай қилиб, катта ёшдаги беморларда юқори микрогнатия турли даражадаги психоэмоционал бузилишларга олиб келади ҳамда юз скелетининг эстетик ва морфофункционал ўзгаришлари бўйича фақатгина сагиттал, сагиттал ва трансверзал, сагиттал, трансверсал ва юқори жағ комплексининг вертикал ўлчамларини катталашуви билан асосланиши мумкин ва кўпгина ҳолларда пастки микрогнатия билан бирга кечади, буни эса комплекс даволашни режалаштираётганда инобатга олиш лозим.

**Диссертациянинг “Жағларнинг кўш деформацияси билан беморларни операциясига кўрсатмалар ва режалаштириш тамойиллари”** деб номланган тўртинчи бобида пастки макрогнатия билан бирга кечган юқори микрогнатияни жарроҳлик усулида даволашнинг асосий босқичлари ва тамойиллари келтирилган.


Пастки макрогнатия билан бирга кечган юқори микрогнатияли беморларни комплекс даволаш ишлаб чиқилган схема бўйича икки босқичда ўтказилган бўлиб, у ортогнатик жарроҳ, анестезиолог, ортодонт, оғиз бўшлиғи жарроҳи, ЛОР шифокори, психолог ва кўрсатма бўйича бошқа мутахассислар иштирокини талаб этади (8-расм).

Даволашнинг амбулатор босқичида ортодонт, оғиз бўшлиғи жарроҳи, ЛОР шифокори, психолог ва кўрсатма бўйича бошқа мутахассислар иштироки амбулатор-поликлиника бўғини даражасида лозим бўлади.

Стационар босқич: ортогнатик жарроҳ, анестезиолог, ортодонт, ортопед стоматолог, психолог ва кўрсатма бўйича бошқа мутахассислар иштирокини стационарда талаб қилган. Юқори микрогнатияни пастки макрогнатия билан биргаликда кўп учраши сабабли, беморларни жарроҳлик усулда даволашни ҳар бир гуруҳ беморлари юзларининг типик мансублиги ҳамда юқори жағ комплекси ва бутун юз скелетининг эстетик ва морфофункционал ўзгаришларини инобатга олган ҳолда ўтказилган.

Шундай қилиб, тўртинчи бобда жарроҳлик даволашни ўтказилишининг усуллари ва тамойиллари батафсил ва босқичма-босқич ёритиб берилган.

Диссертациянинг бешинчи **“Юқори жағ комплекси ва бутун юз скелетининг эстетик ва морфофункционал ўзгаришларини инобатга олган ҳолда юқори микрогнатияни ортогнатик даволаш”** бобида ўтказилган даво чораларининг натижалари батафсил баён этилган.



**8-расм. Қўшма деформацияли беморларни комплекс даволаш схемаси**

